

## **ГЕНДЕР ТЕНГЛИК ВА УНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШ САБАБЛАРИ**

**Турсунов Ахрор**

**ЎзЖОКУ тадқиқотчиси**

### **АННОТАЦИЯ**

*Ушбу мақолада гендер тенглик бўйича турли илмий ёндашувларни жамлаштирган ҳолда тадқиқотлар таҳлил этилган. Шунингдек, гендер тенглик муаммоси миллий ёки глобал муаммо сифатида кўриб чиқилади. Ижтимоий тенгликка эришиш, айниқса, хотин-қизлар ва эркеклар ўртасида ҳақиқий тенгликка эришиш, жамият ҳаётининг барча соҳаларида уларнинг иштирокини кенгайтириш, жинс бўйича бевосита ва билвосита камситишни бартараф этиш ҳамда уларнинг олдини олиш мақсадида давлат томонидан гендер сиёсати амалга оширилишини таъминлашга доир масалалар ҳам ўрин олган.*

***Калит сўзлар:** гендер тенглик, мулоқот, гендер ёндашув, жинс, гендер дисфория, трансгендер, ижтимоий тенглик, бевосита ва билвосита камситиш.*

### **ABSTRACT**

*This article analyzes research on gender equality, bringing together different scientific approaches. Also, the problem of gender equality is considered as a national or global problem. Achieving social equality, especially real equality between women and men, expanding their participation in all spheres of society, eliminating direct and indirect discrimination based on gender and ensuring the implementation of gender policy by the state in order to prevent them are also included.*

***Key words:** gender equality, communication, gender approach, sex, gender dysphoria, transgender, social equality, direct and indirect discrimination.*

### **АННОТАЦИЯ**

*В данной статье анализируются исследования гендерного равенства, объединяющие различные научные подходы. Также проблема гендерного равенства рассматривается как национальная или глобальная проблема. Достижение социального равенства, особенно реального равенства между женщинами и мужчинами, расширение их участия во всех сферах жизни общества, устранение прямой и косвенной дискриминации по половому признаку и обеспечение реализации государством гендерной политики в целях их предотвращения.*

***Ключевые слова:** гендерное равенство, коммуникация, гендерный подход, пол, гендерная дисфория, трансгендер, социальное равенство, прямая и косвенная дискриминация.*

## **КИРИШ**

Жаҳон ҳамжамиятида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётдаги ўрни ва шу жумладан аёлларнинг эркаклар олдидаги ҳуқуқ-мажбуриятларини амалга оширишда тенг ҳуқуқлилиқ сиёсати юритилмоқда. Бу асосан аёлларнинг тўғридан-тўғри президент сайловларида ёхуд бошқа бир қатор давлат сиёсати ва иқтисодиётини амалга оширувчи лойиҳаларга овоз бериш ёки тўлақонли таклифлар билан чиқишига изн берди. Агар шахс келиб чиқиши (жинси, ирқи ва миллати)дан қатъий назар турли (ижтимоий ҳаётда) таҳдидларга дучор бўлса, прокуратура ёки судга шикоят хати киритиши қонун ҳимоясидадир. Қонуннинг мақсади хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат. Давлат хотин-қизлар ва эркакларга жамият ҳамда давлат ишларини бошқаришда, сайлов жараёнида тенг иштирок этишни, соғлиқни сақлаш, таълим, фан, маданият, меҳнат ва ижтимоий ҳимоя соҳаларида, шунингдек давлат ва жамият ҳаётининг бошқа соҳаларида тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар таъминланишини кафолатлайди. Хотин-қизлар ва эркаклар ўртасида ҳақиқий тенгликка эришиш, жамият ҳаётининг барча соҳаларида уларнинг иштирокини кенгайтириш, жинс бўйича бевосита ва билвосита камситишни бартараф этиш ҳамда уларнинг олдини олиш мақсадида давлат томонидан гендер сиёсати амалга оширилишини таъминлашга доир вақтинчалик махсус чоралар кўрилади<sup>1</sup>. Гендер тенглиги нима? Гендер тенглиги концепцияси ҳуқуқ ва имкониятларнинг бутун спектрини қамраб олади – ресурслардан фойдаланиш (масалан, соғлиқни сақлаш хизматлари) ва ҳуқуқий ҳимоядан шахсий ва жамоат соҳаларида қарор қабул қилиш қобилиятига, шу жумладан жамиятнинг сиёсий ҳаётида иштирок этишгача. БМТ гендер тенгсизлигининг халқаро индексини тузиб, тенглик ривожланишини кузатиб боради. У қуйидаги асосий кўрсаткичларга асосланади:

Бандлик даражаси;

Таълим даражаси;

Парламентлардаги ўринлар улуши;

Ўсмир қизлар орасида ҳомиладорлик ва туғиш ҳолатлари;

Оналар ўлими даражаси.

Ушбу индекс, камдан-кам истиснолардан ташқари, гендер тенглиги иқтисодий ривожланиш билан боғлиқлигини кўрсатади, энг юқори кўрсаткичлар асосан ривожланган мамлакатларда ва энг паст кўрсаткичлар кам ривожланган мамлакатларда, хусусан, Саҳрои Кабирдан жанубий Африкада.

Ҳозирги кунда дунё мамлакатларининг ижро ҳокимиятида аёллар улушини ошириш нафақат гендер тенгликка эришиш, қонунларни ижросими таъминлаш орқали фаровонликка етишиш мақсад қилиб қўйилган. Аммо бу эмперик тадқиқот талаб этади. Сабаби, (эмоционал аргументлаш) далиллар тўплаш ва қарорлар қабул қилишда (эмоция) ҳаяжонга берилиш қанчалик муҳим аҳамият касб этади. Биламизки, аёлларнинг ўртача ҳисобда ҳаяжонга берилиши юздан олтимиш (100/60%) тўғри келади. Аслини олганда қарор қабул қилишда ҳаяжонга ўрин борми ёки йўқ?

## **МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР**

Бугунги ижтимоий-иқтисодий шароитда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг асосий мақсади меҳнат соҳасидаги номақбулликни камайтириш: хавфсиз ва муносиб меҳнат шароитларини таъминлаш, қашшоқлик ва ижтимоий четланишнинг олдини олиш, даромадларни сақлаб қолиш ва барча учун ижтимоий ҳимоя тизимидан етарли даражада фойдаланишни таъминлашдан иборат. Ижтимоий ҳимоянинг асосий тамойилларини қўллашда камситишларга барҳам берувчи ва шу билан бирга, ижтимоий ҳимоя тизимидан четда қолган шахсларни қамраб олишни кенгайтиришга қаратилган ечимларни ишлаб чиқиш ҳисобланади. Хавфсиз, соғлом ва муносиб меҳнат шароитларини таъминлашни ҳам киритиш мумкин. Ҳар бир тоифадаги ишчиларнинг, ҳам эркаклар, ҳам аёлларнинг ўзига хос эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, барча ишчиларнинг соғлиғини ҳимоя қилишни таъминлаш учун меҳнатни муҳофаза қилиш сиёсати оқилона ишлаб чиқишни тақозо этади.

Айниқса, раҳбарлик лавозимларида ва қарорлар қабул қилиш даражасида, шунингдек, ижтимоий шерикларнинг вакиллик функцияларини амалга оширишда гендер мувозанатини таъминлаш лозим. Умуман олганда биз “гендер тенглик” нинг асл моҳиятини англашимиз учун, аввало унинг келиб чиқиш тарихига мурожаат қиламиз. Бу табиий борлиқ эмас, балки ижтимоий тузилиш бўлиб маълум бир маънода инсоннинг ўзлигини англашга шу билан бирга шахсий “Мен”ини шакллантиришга хизмат қилади. Жинсларни ажратиш ва қатъий никоҳсизликни қўллаган Шакерлар гуруҳи (тахр – Масиҳнинг иккинчи кўринишига имонлиларнинг Бирлашган Жамияти, кўпроқ Шейкерлар номи билан маълум бўлиб, миллинар реставрацион христиан сектасига асосланган. 1747 йилда Англияда, кейин эса 1780-йилларда АҚШда ташкил этилган) гендер тенглигининг дастлабки амалиётчилари эди. Улар 1774-йили Америкага ҳижрат қилишдан олдин Англиянинг шимолий-ғарбий қисмидаги Куакерлар жамоасидан ажралиб чиққан. 1788-йилда Шакерлар марказий вазирлигининг бошлиғи Жозеф Меачем жинслар тенг бўлиши кераклигини

вахий қилган. Шундан сўнг у аёл ҳамкасби бўлмиш Люси Райтни вазирликка олиб келди ва улар биргаликда жинслар ҳуқуқларини мувозанатлаш учун жамиятни қайтадан қуришга ҳаракат қилишди. Меачем ва Райт етакчилик гуруҳини тузишди. Бунда асосан эркаклар эркаклар устидан назоратни ўрнатишган; аёллар эса аёллар устидан назоратни ўрнатишди. Бу уларнинг маънавий фаровонлигини шакллантиришига ишондилар. Шакерлар жамоасида аёлни эркак томонидан бошқарилиши шарт эмас эди. 1796-йилда Меачемнинг ўлимидан сўнг, Райт вафотигача Шакерлар жамоасининг раҳбари бўлди. Шакерлар 200 йилдан ортиқ вақт давомида гендер мувозанатини бир хил модельини сақлаб қолишди. Бунда ҳар бир жинсий алоқа (биологик жинсий алоқа, психологик жинсий алоқа) ўзига хос фаолият соҳасида ишлайди, бу ўз асносида аёл эркакка, эркак эса аёлга ҳурмат ила бўйсиниши кўзда тутилган<sup>2</sup>. XIX аср охирида ғарб маданиятида аёлларга овоз бериш ва сайланган лавозимларни эгаллашга рухсат бериш бошланди. 1948-йилда БМТ томонидан Гендер тенглиги бўйича яқдил қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди, аммо бу мамлакатлар негизида бир хил қабул қилинмади. Бу қонун лойиҳасини издошлари Таълим соҳасидаги камситишларга қарши конвенция (1960); Аёлларга нисбатан камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисидаги конвенция (1979); Вена декларацияси ва Ҳаракат дастури (Инсон ҳуқуқлари бўйича Бутунжаҳон конференциясида, 1993 йилда қабул қилинган); Аёлларга нисбатан зўравонликка барҳам бериш тўғрисидаги декларация (1993); 5-мақсад: 2030-йилгача белгиланган Барқарор ривожланишнинг 17 та мақсадининг “Гендер тенглиги” ва бошқаларни мисол қилиш мумкин. Инсоният бу масалада жиддий муаммоларга дуч келмоқда. Шундай қилиб, 2014 йилда БМТнинг атиги 143 мамлакати Конституция даражасида эркаклар ва аёллар ўртасидаги тенгликни кафолатлаган ва 52 давлат бу қадамни қўймаган. Дунёдаги ҳар учинчи аёл жисмоний ёки жинсий зўравонликка дучор бўлади. Турмушга чиққан ёки фуқаролик иттифоқида бўлган аёлларнинг атиги 57 фоизи жинсий алоқалар, контрацептив воситалардан фойдаланиш ва репродуктив саломатлик хизматларидан фойдаланиш бўйича қарор қабул қилади. Яна бир муаммо – меҳнатни камситиш. Аёллар ишсизлик даражаси сезиларли даражада юқори, улар раҳбарлик лавозимларини эгаллаш эҳтимоли анча паст ва гендер иш ҳақи фарқи глобал миқёсда 23% ва қишлоқ жойларда 40% гача. Масалан, Россияда эркаклар ва аёллар ўртасидаги иш ҳақи фарқи 28% ни ташкил қилади. Буларнинг асосий идеологияси репродуктив ҳуқуқлар бўйича хизматлар ва гендер тенглиги тарғиб қилиш ва аёлларга нисбатан тазйиқни тўхтатиш стратегияси бўйича ишлаб чиқилган. Хўш, бугунги

замонавий дунёда бу макон ва замонга боғланган ҳолда миллийлаштирилмоқдами? Зеро бундай номлашдан асосий мақсад ҳар бир давлат сиёсатчилари ҳайқираётган ёки бу мавзу устида баҳслашаётган бир пайтда, айнан улар мазмун ва моҳияти жиҳатидан ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётда номутаносиб бўлган эркак ва аёлларнинг ҳуқуқларини ҳимоялаш сифатида тушунишликларидадир. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сенати раиси Танзила Нарбаева – Аёлларни раҳбарлик лавозимларига кўтариш, уларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, бандлигини таъминлаш ҳамда тазйиқ ва зўравонликдан давлат томонидан ҳимоя қилиш бўйича мақсадли ишлар олиб борилмоқда, муҳтожларни уй-жой билан таъминлаш дастури амалга ошириляётгани ҳақида айтади<sup>3</sup>. Дарҳақиқат, қадимги юнон мутафаккирлари Сукрот, Афлотун, Арасту каби олимлари энг яхши давлат сифатида жамиятда тенглик ва адолат ҳукм сурган полисни назарда тутишган. Энг яхши қонунлар сифатида ҳам барча тенглигини кафолатлаган қонунларни илгари суришган. Эркак ва аёллар тенглиги ғоясини юнон олими Антифонт ўз асарларида қўллаган ҳолда: «Табиат барчани: аёлларни ҳам, эркакларни ҳам тенг қилиб яратади, лекин одамлар инсонларни тенгсиз ҳолатга солувчи қонунларни ишлаб чиқишади», деб таъкидлаган<sup>4</sup>. Аслидачи, бунга атрофимиздаги олам қандай муносабатда? Россия ташқи ишлар вазирлигининг Москва давлат халқаро муносабатлар институти бошқаруви ва фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий асослари кафедраси профессори, тарих ҳамда юридик фанлари доктори К.Й. Константинович билдиришича: Жаҳон банки маълумотларига кўра, шу мақсадда 131 давлатда 274 та қонунчилик лойиҳаси амалга оширилган бўлиб, бу даврда жамият ҳаётининг кўплаб соҳаларида аёллар ҳуқуқлари кенгайтирилган. Жаҳон иқтисодиёти форумига кўра 2018-йилда дунёнинг 149 давлатидаги аёллар мақомидаги ўзгаришлар ҳисобга олинди. Бу шуни англатадики аёллар сиёсат борасида сон жиҳатдан оқсаётганлигидан дарак, деб таъкидлайди профессор К.Й.Константинович.<sup>5</sup> Гендер тенгсизлиги муаммолари бўйича мунозаралар ўн йиллар мобайнида давом этмоқда. Ушбу масала турли мутахассисларнинг турли хил тадқиқотларини кўриб чиқишни талаб этади. Булардан яна бири Жудит Бутлер ҳаётини феминизм (тахр – феминизм бу аёлларнинг сиёсий, иқтисодий, шахсий ва ижтимоий ҳуқуқларини кенгайтириш ва тенглаштиришга ва жинсий алоқани енгишга қаратилган мафкуралар, сиёсий ва ижтимоий ҳаракатлар спектридир) га бағишлаган фалсафа, социология ва жинсий муносабатларни тадқиқ этувчи соҳалари муаллифларининг фикрича, «Мен ҳар доим феминист бўлганман. Бу шуни англатадики, мен аёлларга нисбатан

камситишларга, гендер тенгсизлигининг барча шаклларига қаршиман, лекин бу мен инсон тараққиётига гендер томонидан қўйилган чекловларни ҳисобга оладиган сиёсатни талаб қилишимни англатади. Жинсий категория ўзгармас ҳам, табиий ҳам эмас, балки репродуктив жинсийлик мақсадларига бўйсунувчи табиат категориясидан соф сиёсий фойдаланишдир<sup>6</sup>. Албатта, никоҳ ва бир жинсли уюшмалар мавжуд вариантлари бўлиш керак, аммо уларнинг жинсий қонунийлигини моделлаштириш зарур. Ген бу жинс эмас. Жинс бу пол ёки биологик турнинг маълум бир белгиси. Жинс бу гўёки маълум бир бўёқ ранги, у аниқ бир рангга эга, аммо уни ҳам кези келганда бошқа ранглар билан кесишмасини, яъни ранг-баранг ҳолатини шакллантириш мумкин<sup>7</sup>. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, “ЎзЖОКУ” кафедраси мудир, сиёсий фанлари доктори, профессор Муқимжон Қирғизбоев бу борада шундай дейди: « «Жинс» тушунчаси ўзида кўплаб мураккабликларни мужассамлаштирган бўлиб, ғарб олимларининг фикрича, бу сўз умумий ҳолда ўзаро кесишаётган ранг-барангликлар генезисини йиғиндисини, шунингдек, улар билан боғлиқ белгиларини англатади. Лекин бу белгилар турли кўринишларда бир хиллик касб этмайди ва нафақат репродуктивлик ҳоссаларини билдиради, балки жинсий диморфизмнинг барча спектрларини ифодалайди, бошқача айтганда мазкур кўринишнинг жинсга боғлиқ алоҳида анатомик, физиологик, психик ва хулқий сифатларини ҳам англатади<sup>8</sup>». Унда ген ёхуд гендер нима дегани? Ген бу ёруғлик. Бу кўпроқ замон, макон ва шу билан бирга ташқи муҳит таъсирига боғлиқ. Бу ирсий хусусият ёки ирсий мослашувчанликдир ҳам. Яъни ген жамият сизни қандай қабул қилишлигию, сиз жамиятга қандай қўшилишлигини гиздир. Бу (ген) ирқ, миллат, синф, ёш танламайди. Психологияда бу инсоннинг қандай руҳий ҳамда хулқий хусусиятларга эга эканлигини билдиради. Ген бу инсон ҳаёти давомида ташқи муҳит орқали орттирилади. Ёки психологик таъсир остида ҳам содир бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Масалан: Ўғил болага, сен қизларга ўхшайсан ёки кўрқоксан дейиш, қизларга эса сени қоматинг ўғил болаларникига ўхшаб кўпол деяверишлик остида содир бўлиши мумкин. Бола туғилди ва у эркак жинсига мансуб аммо ундаги генетик тузилма аёллар психологиясига доир. Асл ҳақиқат шуки, биз гендер тенгликни ноўрин миллийлаштирмоқдамиз. Асосий урғу шунда. Биламиз, табиатан эркаклар «Тестостерон», аёллар эса «Эстроген»лар ишлаб чиқаришади. Булар орқали жинсий етилиш содир бўлади. Бу нормал, яъни илмий жиҳатдан табиатнинг асосий қонуни, диний жиҳатдан эса Аллоҳнинг мўжизаси.<sup>9</sup> Жамиятларнинг кенг доираси анъанавий учинчи гендер ролларига эга эди ёки бошқа шаклда транс одамларни қабул қилди.<sup>10</sup> Бироқ, аниқ тарихни

айтиш қийин, чунки трансгендер ва умуман гендернинг замонавий тушунчаси 1900-йилларнинг ўрталарига қадар ривожланмаган. Шундай қилиб, тарихий тушунчалар табиий равишда замонавий тамойиллар орқали филтрланади ва 1900-йилларнинг охиригача асосан тиббий объектив орқали кўриб чиқилди.<sup>11</sup> Қадимги юнонистонлик Гиппократ (Геродотнинг ёзувини талқин қилган) трансгендер шахслар ҳақида қисқача гапиради. У “эңитияликлар касаллиги” ни тасвирлайди. Гиппократнинг мурожаати 1500-1700 йиллардаги тиббий ёзувларда яхши муҳокама қилинган. Пер Петит 1596-йилда ёзган асарида “скиф касаллиги” ни табиий ўзгариш сифатида кўрган, аммо 1700-йилларда ёзувчилар уни “меланхолик” ёки “истерик” психиатрик касаллик деб ҳисоблашган. 1800-йилларнинг бошларига келиб, трансгендер бўлиш Гиппократнинг ғоясидан ажралиб туриши кенг тарқалган, деб даъво қилинган, аммо кам ҳужжатлаштирилган. 1800-йилларнинг бошларида Европа жиннихоналарида келтирилган одамлар ўша даврнинг энг тўлиқ маълумотлари Чевалиер Дъэон (1728-1810) ҳаётидан олинган. 1800-йилларнинг охирларида ўзаро кийиниш янада кенг тарқалиб кетганлиги сабабли, трансгендер одамлар ҳақида мунозаралар кўпайди ва ёзувчилар трансгендер бўлишнинг келиб чиқишини тушунтиришга ҳаракат қилишди. Кўп тадқиқотлар Германиядан чиқди ва бошқа Ғарб аудиторияларига экспорт қилинди. Ўзаро кийиниш 1800-йилларнинг охиригача прагматик нуқтаи назардан кўринди, у илгари сатирик ёки ниқоблаш мақсадига хизмат қилган. Аммо 1800-йилларнинг иккинчи ярмида ўзаро кийиниш ва трансгендер бўлиш тобора кучайиб бораётган ижтимоий хавф сифатида кўриб чиқилди<sup>12</sup>. «Гендер дисфория» Булар ўзларини бегона танада муқим яшаётгандек ҳис қиладилар<sup>13</sup>. Статистик маълумотларга таянадиган бўлсак, гендер дисфорияси эркакларда 30 000 кишидан бирида ва аёлларда ҳар 100 000 кишидан бирида учрайди. Трансгендер идентификаторига кўра Янги Зелландияда ўтказилган миллий сўровда тадқиқотчилар 91 та ўрта мактабдан тасодифий танлаб олинган 8500 нафар ўқувчи орасидан респондентларнинг 1,2 фоизи «Сиз ўзингизни трансгендер деб ҳисоблайсизми?» деган саволга «ҳа» деб жавоб беришган<sup>14</sup>. Ҳисоб китобларга шуни аңлатадики, 2013-йил мезонларига кўра туғилишда эркак деб тайинланган одамларнинг тахминан 0,005%дан 0,014%гача ва туғилишда аёл бўлганларнинг 0,002%дан 0,003%гача гендер дисфорияси ташхиси қўйилган. Бу тарқалганликнинг кам баҳоланиши ҳисобланади<sup>15</sup>. Тадқиқотлар шуни маълум қиладики, ўтиш даврини бошдан кечирган катталар туғилишида эркакларга уч барабар кўпроқ мойил бўлади, аммо болалик даврида ўтганлар орасида жинсий нисбат 1:1 га яқин<sup>16</sup>. Эгизак тадқиқот усули популяциядаги

гендер дисфорсиясининг ўзгарувчанлигининг 62%и ирсий омиллар билан изохлаш мумкинлигини кўрсатди<sup>17</sup>. 1970-йилларга қадар психотерапия гендер дисфорсиясини даволашнинг асосий усули бўлиб, одатда одамга туғилишда ўз жинсига мослашишга ёрдам беришга қаратилган эди. Баъзи шифокорлар ҳали ҳам гендер дисфорсиясини даволаш учун фақат психотерапиядан фойдаланишса ҳам, энди у тиббий аралашувларга қўшимча сифатида ишлатилиши мумкин<sup>18</sup>. Жинсий дисфорсияни психотерапевтик даволаш беморга мослашишга ёрдам беришни ўз ичига олади. Беморнинг жинсий идентификаторини туғилишда тайинланган жинсга мос равишда ўзгартириш орқали гендер дисфорсиясини енгиллаштиришга уринишлар самарасиз бўлди<sup>19</sup>. Аммо хулоса ўрнида шуни холисона эътироф этиш керакки, дунёнинг аксарият давлатлари билан солиштирганда МДХ мамлакатлари меҳнат соҳасида эркаклар ва аёллар ўртасидаги тенгликни таъминлаш йўлида сезиларли муваффақиятларга эришган. Улар гендер тенглигини таъминлаш бўйича кейинги қадамларни қўйиш, ўз ташкилотлари сиёсати ва амалиётига интеграциялашган гендер ёндашувини жорий этиш бўйича барча ижтимоий шерикларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш учун қарорлар қабул қилиш ва сиёсий ирода кўрсатиш вақти келганда ривожланиш босқичига етди.

## REFERENCES

1. lex.uz [https://lex.uz › docs O'RQ-562-son 02.09.2019](https://lex.uz/docs/O'RQ-562-son-02.09.2019).
2. Lucky, Katherine. "The Last Shakers?". Commonweal. Retrieved December 13, 2019.
3. [https://www.gazeta.uz/oz/ Parijdagi tenglik xalqaro forumi](https://www.gazeta.uz/oz/Parijdagi-tenglik-xalqaro-forumi)
4. The Trans History You weren't Taught in School. // Archived from the original on 23 January 2022.
5. Terryann C. Clark, Mathijs F.G. Lucassen, Pat Bullen, Simon J. Denny, Theresa M. Fleming. The Health and Well-Being of Transgender High School Students: Results from the New Zealand Adolescent Health Survey.
6. William Byne, Dan H. Karasic, Eli Coleman, A. Evan Eyler, Jeremy D. Kidd. Gender Dysphoria in Adults: An Overview and Primer for Psychiatrists // Transgender Health. . -Т.,2018 №3. - С. 57. doi:10.1089/trgh.2017.0053.
7. M. Landén, J. Wålinder, B. Lundström. Prevalence, incidence and sex ratio of trans sexualism // Acta Psychiatrica Scandinavica. 1996. Vol. 93, iss. 4. - P. 221–223. — ISSN 1600-0447. — doi:10.1111/j.1600-0447.1996.tb10638.x.
8. Frederick L. Coolidge, Linda L. Thede, Susan E. Young. The Heritability of Gender Identity Disorder in a Child and Adolescent Twin Sample (англ.) // Behavior

Genetics. 2002-07-01. — Vol.32, iss. 4. - P.251–257. doi:10.1023/ A:10197247 129 83.

9. Luk Gijs, Anne Brewaeys. Surgical Treatment of Gender Dysphoria in Adults and Adolescents: Recent Developments, Effectiveness, and Challenges // Annual Review of Sex Research. . - T.,2007. №18. - C.178–224. doi:10.1080/ 10532528. 2007. 10559851.

10. George R. Brown M.D. The Merck Manual of Diagnosis and Therapy (19th ed.). Whitehouse Station, NJ, USA: Merck, 2011. Pp. 1740—1747.